

2.4. «Истеъмолчи» га берилган газ хажми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал килувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мувофиқ равишда ўрнатилган назорат-ўлчов асбоблари, соз ҳолатдаги ҳисоблагичлар ва газ сарфини ўлчовчи мосламалар кўрсаткичлари бўйича ҳисобланади.

«Истеъмолчи» газ ҳисоблагичларнинг соз ҳолатда бўлиши, ҳамда уларни ўз вақтида таъмирланиши ва даврий текширувдан ўтказилиши учун жавоб беради. Газ ҳисоблагичи тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз бўлган истеъмолчилар кундалик газ сарфини ёзувчи дафтар тутишлари ва кундалик фойдаланилган газ сарфи ёзиб борилиши керак.

2.5. Агарда табиий газ Шартномада кўрсатилган миқдордан кам миқдорда етказиб берилса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига биноан Таъминотчига нисбатан Истеъмолчи фойдасига жарима санкциялари қўлланилади.

Қуйидаги ҳолатлардан ташқари:

- авария вазиятларида, табиий офатларда;

қиш мавсумида газ танкислиги сабабли, жойлардаги ҳокимликлар томонидан тасдиқланган, истеъмолчиларга газ етказиб бериш вақтинча чегараланганида; (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир)

- «Истеъмолчи» томонидан газ истеъмол килувчи ускуналар ва газ ҳисоблаш тармоқларидан фойдаланиш бўйича шартномавий мажбуриятлар бузилганида, фойдаланилган газ ҳақи тўланмаган тақдирда ҳисоб-китоб ишлари, мазкур шартноманинг 2.7., 2.14. – бандларига асосан амалга оширилади

2.6. «Истеъмолчи» ушбу шартноманинг 6.4 ва 6.5. бандида кўрсатилган жарима санкцияларини олган кундан бошлаб 10 кун ичида тўловни амалга оширмаса, «Таъминотчи» олдиндан огоҳлантирмай туриб, газ таъминотини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

2.7. Истеъмолчи томонидан тузилган шартномада белгилангандан ортик хажмда ва газ етказиб берувчи билан олдиндан келишмасдан газ олган тақдирда газ истеъмолчисидан қуйидаги миқдорда:

- истеъмолчи учун шартнома хажмларидан ортикча олинган газ қиймати 2 коэффицент билан оширма тулов ундирилади. (Ўзб.Респ. В.М.нинг 132-сон қарори асосан)

2.8. «Истеъмолчи»да заҳира ёқилғисини ёқиш тизими бўлиши, заҳирани иситиш мавсуми бошланишидан олдин тўлдириб қўйиши ва кузги-қишқи даврда ёқи газ танкислигида, авария ҳолатларида корхонанинг бир маромда ишлаши учун заҳира ёқилғисини жамлаб қўйиши керак.

«Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат.дан юқори қувватли қозонхона қурилмалари газ ёқилғиси етказиб беришдаги узилишларни ҳисобга олган ҳолда, 2 ойдан кам бўлмаган давр мобайнида ёқишга мўлжалланган заҳира ёқилғиси хўжалигига (СниП –2-35-76) эга бўлиши, «Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат. дан кам қувватли, 1-тоифага қирувчи қозонхона қурилмалари авария ёқилғисига эга бўлиши керак.

2.9. «Истеъмолчилар» шартномага мувофиқ равишда белгиланган муддатларда газдан фойдаланишни тўхтатадилар ҳамда икки томонлама далолатнома тузиб, газ таъминотининг қурилмаларининг ўчириладиган қисмларини тамғалаш ёки пайвандлаш йўли билан газ тармоғидан учириниш учун «Таъминотчи» ўз вақилини юборади.

2.10. «Истеъмолчи» газ ҳисобини олувчи хўжалик ҳисобидаги газ ўлчаш тармоқлари (узеллари) ва ҳисоблагичларини ўрнатиш, улардан фойдаланиш ва текширувдан ўтказиш ГОСТ 8.563-97 талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлайди.

2.11. Газ истеъмол килувчи жиҳозлар, ГТП (газ тақсимлаш пункти) ва газ ҳисоблагичларнинг созлиги ва талаб даражасида сақланиши, ҳамда уларни ўз вақтида текширувдан ўтказиш учун «Истеъмолчи» корхона раҳбарлари жавобгардирлар.

2.12. «Истеъмолчи»нинг хўжалик ҳисобидаги ҳисоблаш ускунаси ҳисоблаш хатолиги ГОСТ 8.563-97 нормаларига мувофиқ бўлган газ ҳисоблаш тармоғи ҳисоб-китоб учун ярқли деб ҳисобланади.

2.13. Агарда, «Истеъмолчи»даги газ ҳисоблагич мосламаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал килувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мос келмаса, «Истеъмолчи»даги асосий газни ҳисобга олиш приборлари носоз булганда ва улар газ етказиб берувчида мавжуд булмаганда ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан етказиб берилган газ миқдори тамғаланмаган ускуналарнинг лойиҳадаги қуввати ва газ сарфини ҳисобга олиш приборлари: носоз булган вақтда шартномада назарда тутилган бошқа усул билан аниқланади (Ўз.Р. ВМ 08.01.2004й. 9-Қарори таҳриридаги банд) яъни, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб «Таъминотчи» томонидан тамғаланмаган барча газ истеъмол килувчи қурилмаларнинг энг юқори газ сарфи қувватида, қунига 24 соат иш тартибида ҳисобланади. Ушбу ҳисоб-китоб «Истеъмолчи» даги газ ҳисоблаш мосламаси ГОСТ 8.563 –97 ва Ўзбекистон Республикасининг шу турдаги газ ҳисоблагичлар учун бошқа ГОСТларга мос ҳолга келтирилгунига қадар амал қилади. «Истеъмолчи» бунга норозилик билдирса, камчиликлар бартараф қилинганга қадар «Таъминотчи» уни газ таъминотидан бутунлай узиб қўйишга ҳақлидир (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир) .

2.14. «Истеъмолчи» ўз ҳисоблагич хотирасидан мунтазам равишда ҳар ой тузатиш киритувчи (блок коррекция) дан олинган архив маълумотларини ёки кундалик фойдаланилган газ сарфини ёзувчи дафтари билан тасдиқланган ҳисоблагич кўрсаткичларини «Таъминотчи»га ҳисобот ойна тугаши билан тақдим қилиши шарт.

Электрон газ ўлчагич кўрсаткичлари архив маълумотлари (распечатка) «Истеъмолчи» томонидан даъво муддати мобайнида яъни, 3 йил сақланиши шарт. (Ўз.Р. ФК. 150-модда)

2.15. «Таъминотчи» вақили ҳар ойда «Истеъмолчи» билан биргаликда газ босими ва ҳароратига «Таъминотчи» сифат лабораторияси томонидан берилган тузатишларни электрон ҳисоблагич кўрсатмалари бўйича қиритишлари керак.

2.16. Газ ҳисоблагич ёрдамида газ ҳисоблаш мосламасидан фойдаланганда «Истеъмолчи» қуйидаги талабларга риоя қилиши шарт: